Замонавий физика фанининг аҳамиятли ютуқларига қарамасдан, одамлар Ерда, унинг тубида, Қўёшда ва бутун коинот соҳасида бўлаётган жараёнларни одамлар ҳали кераклича чуқур тушунмайди. Бунга эришиш учун эса бу фанда фундаментал янги қарашлар керак ва бир қатор асос солувчи назарияларни қайта кўриб чиқиш зарур. Замонавий физика инқизозга учраган, деган фикрлар асослидир. Электрон, протон, фотон, нейтрино ва х.к. каби элементар зарралар кашф қилинган XIX аср охири XX аср бошидаги каби кашфиётлар 100 йил дан буён кузатилмаяпти. Бугунга

қадар илмий тадқиқотлар ва хисоблар шулар асосида олиб борилмоқда. 1950 йиллардан бошлаб физикада элементар зарраларнинг тадқиқотлари учун асбоблар бўлиб тезлаштирувчилар, ўрганиш учун предмет бўлиб эса – тезлаштирилган протон ва электронларнинг моддалар билан тўқнашуви оқибатида туғилган янги элементар зарралар ҳизмат қилмоқда. Аммо кашф этилган зарраларнинг хилма-хиллигига қарамасдан, дунё фан юлдузлари хануз физиканинг фундаментал саволларига жавоб беришмади : материянинг илк асослари нимадан иборат, у қаердан пайдо бўлиб, қаерга ғойиб бўлади. Барчasi тезлаштирувчилар атрофида айланмоқда, зарраларнинг тўқнашувининг частотаси, кучи, вариацияларининг кўпайтириш, яъни адашишлар назарияси қоронғулигига қандайdir мўжизанинг “статистик эҳтимоллигига” умид қилиш. Ходисаларни, шу жумладан ўта мураккаб иқлим жараёнларини олдиндан айтиш ва тахмин қилиш эмас, балки аниқ маълумотларни ишлатиш учун керакли билимлар йўқлигининг далолатидир бу. Аммо амалиёт кўрсатаётганидек, бу фаннинг муаммоси эмас (ва “АЛЛАТРА” Халқаро ижтимоий ҳаракатнинг бир гурух олимларининг охирги фундаментал ишланмалари буни тасдиқламоқда), балки илдизлари худбинлик, шухратпараст истаклар ва хокимиятга интилишларда яширинган истеъмолчилик жамиятининг муаммосидир. Аҳир бугун дунё олимларининг кўпчилиги одамзодга маънавий-яратувчанлик жамият йўлига туришга ёрдам берувчи физикадаги эволюцион сакраш ғояси билан бирлашмаган. Бу мутахасисларни тизим томонидан яхши пул тўланадиган лойихаларда банд бўлиш қизиқтиради. Улар нафақат пул, балки тизимнинг одамларни хар қандай сифати бўйича бўлишга қаратилган шартлари атрибутикалари – унвонлар, мукофотлар, мансаблар ва х.к.ларни эгаси бўлиши мумкин. Бундай ёндашувлар билан уларнинг илмий сакраши фақат қуролларнинг янги турини, одамзодни қулларга айлантириш, улар билан манипуляция қилиш, уларни ва бутун жонли нарсаларни йўқ қилиш усусларини кашф қилишда ўринли бўлиши мумкин.

Замонавий дунёда виждонли, халол, соғлом фикрловчи истеъмолчилик жамиятининг бутун мавжуд тизимининг зарарлигини тушунувчи ва ўз нафсига ҳизмат қилмайдиган турли давлатлар олимларининг биргаликдаги ғоявий ҳаракатларида жисплашиши ва бирлашиши ўта зарурдир. Булар нафақат одамзоднинг табиий ҳалокатларга



тайёргарлик кўриш жараёнини кучайтиради, балки ижобий яратувчанлик жамиятининг одамларни сиёсат ва диндан ташқари маънавий аҳлоқий асосларда бирлашувининг илк ниҳолларини беради. Ва бугунги кунда „АЛЛАТРА“ ҲИХ олимлари шарофати билан керакли фундаментал базис яратилган бўлиб, у Инсонийлик ва Вижданга таяниб ишлайдиган кўплаб иқтидорли одамларни жипсплаштириб, бирлаштиришга қодир. 1996 йилдан буён олиб борилаётган тадқиқотлар янги назарий ва амалий физиканинг эволюцион сакраши хақида далолат бермоқда. Бу айнан шу, асос солувчи саволларга жавоб берувчи азалий табиат физикасидир: бошлангич материя нимадан иборат, у қандай қайта ташкил топади ва қаерга ғойиб бўлади?

Мазкур саволларга берилган асос солувчи жавоблари илм-фан ривожланишининг янги даврини очиб бергани боис, ушбу физика АЛЛАТРА АЗАЛИЙ ФИЗИКАСИ деб ном олди.




...Бугунги кунда “АЛЛАТРА” Ҳалқаро Ижтимоий ҳаракати қаторларида халол, иқтидорли, ижтимоий жавобгар инсонлар мавжуд. Улар фақатгина фундаментал физика соҳасидаги муаммолар билан шуғулланиб қолмасдан, кўпчилиги экологик хавфсизлик муаммолари билан ҳам шуғулланмоқда: геология, гидрология, климатология, шу жумладан, атмосфера физикаси, геофизика, биогеокимё, гидрометеорология, океанография каби соҳаларда мувофиқлаштириш ва амалий тадқиқотлар ўтказиш. Уларнинг илмий қизиқишлиари доирасига шунингдек иқлим геоинжиниринги ҳам, аниқроғи эса физиканинг мутлақо янги тушуниши – АЛЛАТРА АЗАЛИЙ ФИЗИКАСИ га асосланган одамларнинг хаёт фаолияти ва экотизим учун бутунлай хавфсиз бўлган янги йўналишлар ва усувлар киради...



Иқлим геоинжинирингі соҳасидаги бизнинг олимларимизнинг оҳирги ишланмалари сайёрамизда яқин келажақда тиклаб бўлмас ўзгаришларни келтирувчи “ўчоғли” ёки “муаммоли жойни” деярли аниқ топиш имкониятини беради. Бу билимлар, сўзсиз, одамзоднинг имкониятларига бошқача қарашга ва глобал табиий фалокатларга тайёргарликнинг самарасини кўплаб маротаба оширишга ёрдам беради.


Бугунги кунда бу йўналишда бир қатор муваффақиятли қадамлар ташланган ва улар қатъий илмий асос ва амалий тасдиқга эга бўлди. Бу йўналишнинг амалий ишланмасининг бошланғич босқичи хозирдан барқарор натижаларни кўрсатмоқда...

2014 й. сесмик хатарининг глобал харитаси



...Мисол учун, 2011 йилнинг 11 марта Япониянинг шимолий –шарқида кучли зилзилалардан бири содир бўлди. Унинг магнитудаси 9.0 баллга тенг бўлиб, ўта кучли цунамини келтирди. Зилзиланинг эпицентри денгиз тубида 24 км чуқурлиқда қирғоқдан 130 км масофада жойлашган эди. Бу ер силкиниши Япон архипелагидаги сейсмик кузатувлар давридаги энг кучлиси бўлди. У жаҳондаги сейсмик кузатувлар тарихидаги энг кучли зилзилалар ўнталигига кирди. Япония аҳолиси учун у ҳалокатли оқибатларга олиб келди, шу жумладан “Фукусима-1” АЭС да оғир аварияга. Олимларнинг фикрича, бундай кучли ер силкинишлари Япон архипелагининг энг катта ороли бўлган Хонсю ороли худудида 600 йилда бир маротабадан тез бўлмайди. Йўлдошдан келган маълумотларга кўра, Хонсю оролининг шарқий соҳили зилзила натижасида шарқ томонга

2.5 метрга силжиди. Хонсю оролининг шимолий-шарқида жойлашган Осика ярим ороли эса жанубий-шарқий йўналишда 5.3 метрга силжиб 1.2 метрга пасайган





Бу воқеа жағон фан соҳасида ўзгача хавотирни ўйғотди. Ахир түлқинлар баландлиги ва сув остида қолған худуд юзаси япон олимлари томонидан олдиндан тузилган тахминий хисобларидан ҳам ошиб кетди . Бундай масштаблы фалокат Япония каби юқори технологияларга эга бўлган давлат(фундаментал илмий тадқиқотлар соҳасидаги лидерлардан бири) ҳам бунақа оғатларга тайёр эмаслигини ва битта давлатнинг бошига тушган кулфат бутун одамзод учун баҳтсизлик эканлигини кўрсатди..

...Нима рўй берганди? Субдукция зоналарида Тинч Уммони литосфера плитаси фаоллашганди. Мазкур воқеа ушбу литосфера плитасини ҳаракатининг тезланиши билан боғлиқ бўлган сейсмик фаолликнинг янги фазасининг ўзига хос индикатори бўлди. Шарқий Сибирда ва Юқорида эслатилган коинот омиллари таъсирида Тинч уммонида жойлашган геомагнит кутбларининг сурилиши Япон архипелагининг худудида асрлардаги магнитли жузъий ўзгаришлари кенг миқёсли ўзгаришларига олиб келди. Табиий оғатнинг оқибатларини тахлил қилувчи олимлар аниқлашича сейсмик фаолликдан аввал Ер магнит майдонининг ғайритабиий холати пайдо бўлган. Турли давлатларнинг олимларининг башоратлари айнан қўшни “иш бермаган” ўчоқли зоналарда тектоник кучланишлар хавфли даражада бўлишини инобатга олган холда қурилганди. Бундан келиб чиққан прогнозлар бўйича Японияда 2015 йилгача магнитудаси 8,0 баллга тенг фалокатли зилзилалар ва цunami серияси бўлиши, бутун жағон аҳли эса архипелагдаги Атом электр станциялар сонини хисобга олган холда, фалокатнинг жиддий оқибатларига тайёргарлик кўриши зарурлиги эълон қилинди.

Шунга ўхшаш чиқишлирга биноан, иқлим геоинжирингининг янги йўналиши билан шуғулланувчи “АЛЛАТРА” Ҳалқаро ижтимоий ҳаракатининг илмий гурухи учун ушбу худуд ўша пайтда мазкур мамалакат учун ҳам, бутун одамзод учун ҳам воқеаларнинг ноҳуш оқибатларини бартараф этиш имкониятларини ўрганиш учун ўзгача қизиқиш туғдирган эди...Хозир, мазкур илмий гурухнинг тадқиқотчилик ишларига биноан қуидагилар ҳақида гапирса бўлади... “Фукусима-1” АЭС даги фожиадан сўнг радиация фонининг нотипик пасайиб кетиши... мазкур худудда компенсаторли механизмнинг фаоллаштирилиши хисобига нисбатан барқарор вазиятга эришилди. Ушбу механизм Ер тубидан чиқаётган каттароқ кучнинг кучланишини уни кўп сонли кичик зилзилаларга тарқатилиши хисобига сиқиши кучланишини электрсизлантиради...







ALLATRA
SCIENCE
93

2013 йилдан бошлаб АЛЛАТРА ҳалқаро ижтимоий ҳаракатининг илмий гурухлари вулканология соҳасида ҳам тадқиқотлар олиб бориши мөрбии. Бу Ернинг септон майдони ва нейтрино ҳулқи билан, ва шунингдек вулқонлар отилишини олдиндан айтишнинг янги усулларини ишлаб чиқариш ва геодинамик холатларнинг замонавий магматик формацияларини ўрганиш билан боғлиқ. Нейтрино геофизикаси ва нейтрино астрофизикаси соҳасида иш олиб борувчи олимларимиз Ернинг тубидан чиқаётган нейтриноларни кузатиб, маълум ўзаро боғлиқликларни хисоблашди.




Шу нарса маълум бўлдики, 2010 йилнинг январидан 2014 йилнинг октябрь ойигача нейтриноларнинг умумий тарқалиши ва Ернинг септон майдонини кучланиши 12 %га камайди. Шу вақтнинг ўзида сайёрамизнинг “ўчоқли” худудларида нейтриноларнинг тарқалиши кучайиб септон майдон кўпайгани кузатилмоқда. Ва бу холат сергакликка чақирмоқда, чунки у Ернинг тубида содир бўлаётган жараёнлар қайтариб бўлмас характерга эга бўлаётганлигининг далолатидир..




Сўзсиз, вулканологияга тегишли нейтринолар ва септон майдонини хулқини ўрганишда бу илк қадамлардир. Агар сейсмология соҳасида ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида конструктив натижаларни олишга яқинлашишлар ишлаб чиқарилган, мослашув механизmlарни қўллашни таъминловчи керакли ва етарли шартлар топилган бўлса, вулканология соҳасида эса мослашув механизmlарни сайёравий вулқонли ва метеорологик жараёнларга таъсирини ўрганиш хозирча тажрибали тадқиқотлар босқичидадир. Бироқ мана шу ёш, тез ривожланаётган фаннинг янги йўналиши истиқболлидир ва янада синчиклашган тадқиқотларни талаб қилмоқда, чунки у вўлқон портлашларини хосил қилувчи энергия манбаларини, механизmlари ва хатарларини ўрганишга имконият беради. У масофадан туриб, хавфсиз ва воқеадан анча олдин аниқ натижаларни ва маълумотларни олишга ижозат беради! Ва бу нарса уни фаннинг “кечаги кунидан” тубдан фарқлади...

Айра (Япония) кальдераси худудидаги 2010-2014 й.й. сейсмик, септон ва нейтринолар фаоллиги




...Унданда кўпроги, Айра кальдераси бўйича олинган узоқ вақт давомидаги кузатувларнинг(2013 йилнинг январь ойидан бошлаб) умид бағищловчи илк натижалари мослашув механизmlарнинг

тажрибали құлланиши мұхимлигини құрсатмоқда. Күзатувлар ушбу мослашув механизмлар воқеаларнинг ўта хавфли ривожланишини, таҳдид ва хатарларнинг келиб чиқиш шароитларини туғдирувчи ножýя ва нохуш ходисаларни мұваффақиятли түсіб қўяётганини қўрсатди...



Ўрганиш жараёнида коинот омилларининг Ер тубидаги ҳаракатнинг фаоллашувида мұхим роли аниқланмоқда. Бу ҳақда нейтриноларнинг тарқалиши ва Ер септон майдонининг кучланиши каби құрсаткичлар далолат бермоқда....Мослашув механизмлари Ер қаърида содир бўлаётган, тектоник ходисалар учун конкрет шароитлар шаклланиши билан боғлиқ жараёнларнинг фазавий ўзгарганлик ва ҳаракатчанлигини аниқлашга, шунингдек уларнинг детерминантларини аниқлашга изн беради. Ишлаб чиқилган мослашув механизмлари қайта алоқа принципларида асосланган: ташқи ёки ички ўзгаришларга жавобан улар мос реакциялар ва контр сурилишлар (яни эзоосмик даражасындағи фаоллашув кучига тенг бўлган фаол қарши ҳаракат) учун шароитларни яратишни қўзғатувчи эзоосмик итарилишни чақиради. Бундай дискретли қўзғатиш зилзила ва вулкан отилишига олиб келувчи магматик жараёнларнинг ва тектониканинг ўзаро муносабатлари муаммоларини юзага келтирувчи эндоген ва экзоген кучларнинг тенглаштирилган нисбати

тикламагунча давом эттирилади. Шундай қилиб, мазкур мослашув механизмлари ушбу нисбатан хавфсиз даражани барқарорлаштиради ва сақлаб туради, мазкур мұхитнинг доимий ўзгарувчанлиги фонида маълум турғунликни бағишилайди, бу ҳақда қуидаги графиклар далолат беради.







График №18

Ўтказилаётган тадқиқотларда битта ўта сергаклантирувчи факт аниқланди. Нейтриноларнинг тарқалиши ва Ернинг септон майдони кучланиши графикларига қараганда, Тинч уммони плитаси билан бўлинганилигига қарамасдан дунёнинг энг қадимий иккита кальдералар – Айра кальдераси (Кагосима префектураси, Кюсю региони, Япония) да ва Йеллонстоун кальдераси (Вайоминг штати, АҚШ)да содир бўлаётган жараёнларнинг ўртасида қалин параллелизм кузатилмоқда. Ернинг тубида содир бўлаётган жараёнлар маълум тарзда ўзаро алоқадор ва кўп холатларда ўзаро боғланганилиги аниқланди. Маълум бўлишича, хатто Айра кальдерасида мослашув механизмларининг фаоллашувидан кейин ҳам Айра (Япония) ва Йеллонстоун (АҚШ) кальдераларидағи қайд қилинган нейтринолар тарқалиши ва септон майдонининг кучланиши деярли бир хил бўлиб қолаверган.

Графикларда келтирилган чизиқлар уларнинг Айра кальдерасидаги сейсмик фаолликни мослашув механизмлари ёрдамида сунъий ушлаб турилганилигига қарамасдан тинмай ўсишини кўрсатмоқда. Ушбу ва барча бошқа омиллар отилиб чиққанида умумсайёравий вайронагар халокатни келтиришга қодир бўлган энергия Ернинг тубида тўпланиши ҳақида далолат бермоқда. Бизнинг олимларимизнинг хисобларига кўра бу ходиса яқин ўн йилликларда содир бўлади. Агарда дунёнинг турли қисмларида жойлашган иккита супервўлқон (Айра ва Йеллонстоун кальдералари) бир вақтнинг ўзида портласа, у холда одамзод бутунлай йўқ қилинади...

. Айра кальдерасида (Япония) мослашув механизмлари ишга туширилгач сейсмик фаоллик динамикаси анча пасайди. Табиий холда ривожланаётган Йеллонстоун кальдерасидаги (АҚШ) сейсмик фаоллик эса худди шу давр ичида анча кучайди.... Шубҳасиз, замонавий реаллик шароитларида АЛЛАТРА АЗАЛИЙ ФИЗИКАСИ асосида ишланган Ер ости энергия манбалари, вулканизм ва тектониканинг боғланганилиги сирларининг пардасини очиб берувчи мослашув механизмларининг таъсирини янада ўрганиш муҳим, устувор аҳамиятга эга бўлмоқда...

АЛЛАТРА АЗАЛИЙ ФИЗИКАСИ нинг ривожланиши сайин, табиий жараёнларни назорат қилиш аслида реалдир. Шубҳасиз, барча киритилган янгиликлар, мослашув механизмларни сунъий рағбатлантириш хозирча вақтинча характерга эга деган тушуниш мавжуд, ва, афсуски, литосфера, гидросфера, ва атмосферада содир бўлаётган жараёнлар билан боғлиқ глобал табиий фалокатлардан қочиб қутулиб бўлмайди. Масалан, вулканология ва сейсмология соҳаларидаги тадқиқотлар давомида нейтриноларнинг ва септон майдонини ноодатий хулқини кузатиш хозирнинг ўзида қуйидаги хуносаларни чиқаришга ижозат бермоқда.


...Яқин 10 йил ичида катта вулқон отилишлари ва зилзилалар оқибатида Япон архипелаги ва ундаги хаёт йўқ бўлиши эҳтимоллиги 70 % ни ташкил этади. Бу нарса яқин 18 йилда рўй бериш эҳтимоллиги эса 99 % га тенг. Коинот омилларининг таъсирини, ушбу худуддаги сейсмик ва вулконлар фаоллиги юқорилигини инобатга олсан, глобал фалокат истаган вақтда содир бўлиши мумкин. Бу нарса ушбу худудларда яшаётган одамлар ҳақида ўзгача ташвишни туғдирмоқда ва 127 миллион кишининг хаётини сақлаб қолиш, уларни олдиндан қитъага, яшаш учун хавфсизроқ худудларга кўчириш учун хозирдан халқаро хамжамиятнинг уринишларини бирлаштириш зарурлигини аниқ тушунишини бермоқда.


Афсуски, бугунги кунда вулканологияни янги физика – АЛЛАТРА АЗАЛИЙ ФИЗИКАСИ нуқтаи назаридан ўрганаётган олимларимиз вулқон геоинжиринги соҳасида илк қадамларни ташламоқдалар. Ахир фаннинг ушбу янги йўналиши хали шаклланиш босқичида турибди. Унинг интенсив ривожланишини тезлаштириш учун турли илмий соҳалардан кўплаб мутахассисларни жалб этиш зарур. Бу эса нафақат минглаб мутахассислар. Булар биринчи навбатда ўз ишининг усталари – лойик, ақлли, фикрлашда истеъмолчилик тизими қуллигидан озод бўлган, пул учун ёки

янги қурол яратиш учун әмас, балки беғараз, ишдан бўш пайтларда ,олий инсоний мақсадлар, келажак авлодларнинг хаётини сақлаб қолиш учун бу йўналишни такомиллаштиришга қодир инсонлар...

... . Геоинжинирингнинг янги йўналишини ўрганиш жараёнида омма учун расман тақдим этилган маълумотлар ва бугунги кун реаллиги ўртасидаги номутаносиблигни аниқлашга эришилди.. Замонавий тектоник хариталарга хам шу муаммо тегишли. Хусусан, Шимолий Америка литосфера плитаси олдин айтилганидек яхлит әмас. Оҳирги маълумотлар кўрсатишича, бу плитанинг қитъавий қобигида интенсив тарзда дарз кетиш шаклланмоқда ва у АҚШ давлатини иккига бўлиб юборувчи чегара бўйлаб синишга ўтмоқда. Синиш шаклланиши чизиги бўйлаб кундан кунга кучланиш ўсиб бормоқда....

Шимолий Америка литосфер плитасида шаклланаётган қитъавий тектоник ёрилиш



2012-2014 й.й. Шимолий Америкадаги сейсмик фаоллик харитаси

1970-2013 й.й. Шимолий Америкадаги 3 б.ортиқ магнитудали зилзилалар сони

<http://earthquake.usgs.gov/research/induced/>






График №23




Оклахома (АКШ) штати худудида 2010-2014 йиллардаги сейсмик фаоллик



ALLATRA
SCIENCE
107

Оклахомада 1978-2014 й.й.магнитудасы 3б.дан ортиқ зилзилалар графиги



3

Бу чизиқта Йеллонстоун кальдераси (Вайоминг штати,АҚШ),шунингдек Лонг-Велли кальдераси (Калифорния штати,АҚШ) ва Валлес-кальдера (Нью- Мексико,АҚШ) ларнинг яқинлиги ўзгача хавотир туғдирмоқда. Айниқса сўнгги йилларда Шимолий Америка қитъасида жойлашган, мутахассисларнинг баҳоси бўйича катталиги 55 км га 72 км бўлган энг йирик супервўлқон – Йеллонстоун кальдераси хавотирга солмоқда. Айтиб ўтилганидек, оҳирги вақтда супервўлқон анча фаоллашган, ер ости силкинишлар тезлашди. 2014 йилнинг апрел ойи бошида Йеллонстоун миллий боғида содир бўлган зилзилани мутахассислар сўнгги 30 йил ичидаги энг кучлиси деб баҳолашди. Бу маълумотдан жаҳон ҳамжамияти хабар топди (2004 йилдан бошлаб АҚШда Йеллонстоун миллий боғига кириш режими қаттиқлашди, унинг айrim худудлари ва у ерда бўлаётган жараёнлар тўғрисидаги маълумот омма учун ёпилди). Ерли аҳолининг эътиборига хайвонларнинг ноодатий хулқи тушиб қолди ва бу ҳақда маълумот интернетдан жой олди.Масалан, бизонлар ва кийиклар югуриб парк худудини тарк этишар эди. Дарвоҳе, Ернинг септон майдонининг бирданига турткисимон кучланишини кўплаб хайвонлар сезади ва ходиса рўй беришидан олдин бўлажак табиий офат худудидан қочишади....




...“АЛЛАТРА” халқаро ижтимоий ҳаракати олимларининг бир гурухи Ернинг септон майдони кучланиши билан боғлиқ яна битта ноодатий ходисани топишди.

Табиатнинг оғатли намоёнларининг олдиндан рўй берадиган аввалари номаълум бўлган бир факт аниқланди: қуйум (торнадо) пайдо бўлишидан деярли 7-8 соат олдин унинг пайдо бўлган жойида ва кейинги йўлида септон майдонининг кучланиши бирданига кўтарилади.

Бу ходиса яқинда аниқланган ва янада синчиклов ўрганилиши керак бўлгани учун қандайдир хулосалар чиқариш хали эрта...



2002 йилдан бошлаб Йеллонстоун миллий боғида олимлар қуидаги ходисаларни кузатишмоқда янги гейзерларнинг пайдо бўлиши, ер сатхининг деформацияланиши, ернинг температураси қайнаш нуқтасигача кўтарилиши, магмада мавжуд бўлган вўлқон газлари отилиб чиқувчи янги синиқларнинг пайдо бўлиши ва супервўлқоннинг ўйғонишининг яна кўплаб бошқа хавфли аломатлари. Бу кўрсаткичлар олдинги йиллар кўрсаткичларидан бир неча маротаба каттароқ. Буларнинг барчаси Йеллонстоун супервўлқонининг магмаси бир неча баробар ошган тезлик билан ер сатхига яқинлашаётганлигининг далолатидир...





...Турли олимларнинг энг камтарин башоратларига кўра, Йеллонстоун кальдерасининг суперотилиши бутун сайёранинг иқлимининг бирданига ўзгаришига таъсир этиши мумкин. Энг ёмони шуки, у бутун бошли қитъадаги хаётни бир зумда йўқ қилишга қодир. Олимлар бу вазиятнинг моделини тузиб, қуйидаги хулосаларга келди- отилишдан илк дақиқаларидан сўнг 1200 км радиусида бўлган барча тирик нарсалар ўлади, чунки вўлқонга яқин худудларга қайноқ газ ва қулларнинг пирокластик оқимлари тарқалади. Улар товуш тезлигига яқин тезлик билан

тарқалиб, ўз йўлида ҳамма нарсани қириб юборади. Иккинчи зона Ақш худудини ва Канаданинг бир қисмини қоплайди, у ердаги одамлар бўғилишлар ва биноларнинг қулашидан ҳалоқ бўлишади... Ва булар хали ҳамма фожиали оқибатлар эмас...

Шимолий Америкадаги ушбу, келаётган бутун бошли ҳалокатли вазият хозирги пайтда ўша худудларда яшаётган жамиятнинг ахамиятли иқтисодий инқирози билан ҳам оғирлашмоқда....

Энг яқин келажақда жаҳоннинг валютаси “кутилмаганда” ўз “хаётини” тўхтатиб, уни чоп этадиган қоғоздан арzon бўлиб қолиши, сир бўлмай қолган. Ушбу фактни қанчалик яширишмасин, бугунги кунда бу нарса ошкор бўлиб бўлди. У кутилмаганда содир бўлади, ҳар доимгидек (дунё сценаристларининг ёзувлари нақадар таниш), ва нафақат ушбу етакчи мамлакатнинг ,балки бошқа давлатларнинг юзлаб миллионлар кишилари бир кечада қашшоқларга айланади.

Иstemolчилик жамияти шароитларида уларнинг ахволи қанчалик оғир бўлишини тушуниш мумкин...

Жаҳон валютасининг синиши бутун дунёда жиддий иқтисодий инқирозни келтириб чиқаради. Айниқса бунга тайёр бўлмаган давлатларнинг аҳолисида акс этади.

Яқин келажақда қочиб қутулиб бўлмас табиий фалокатларни инобатта олганда, бу ерда гап энди юз миллионлаб иқлим қочоқлари ҳақида бормоқда

Бу эса бутун дунё учун жиддий муаммодир. Юз йиллар давомида тинчлиқда, жиддий йўқотишларсиз , экстремал шароитларда омон қолишига мослашмаган одамлар учун реаллик жуда қаттиқ бўлишини инобатган олиш керак...

.. Бугуннинг ўзида табиий офатлар, иқлим ўзгариши, қуролли тўқнашувлар, урушлар, жанжаллар, иқтисодий инқирозлар билан боғлиқ муаммолар туфайли одамлар ўз уйларини тарқ этиб, бошқа давлатларда бошпана излашга мажбур бўлишмоқда. Улар қашшоқлик, жаҳон нархларининг ошиши ва бошқа омиллардан азият чекаётган фуқаролар қаторига киради.

Қизил Тож ва Қизил Ярим ой жамиятининг Ҳалқаро Федерацияси маълумотига биноан 2013 йилда 300 дан ортиқ табиий офатлардан 100 миллиондан ортиқ кишилар азият чеккан.

Бу одамларни (вахоланки ҳар қандай мажбурий қочоқни ҳам) худбинлик қадриятлари устувор бўлган замонавий истеъмолчилик жамиятида нималар кутишини тушуниш учун турли давлатларнинг мажбурий кўчманчилари ва қочоқларининг тажрибаси билан танишиш кифоя. Қочоқлар дуч келадиган муаммолар бу нафақат яшаш жойи, озиқ-овқат, дори-дармонлар, кийимлар, меҳнат даромадлари олиш имконияти йўқлиги, балки янги жойдаги ўта қийин яшаш шароитлари, ижтимоий мослашув муаммоси, ўзаро муносабатларда оддий инсонийлик йўқлиги туфайли ерли ахоли билан тушунмовчиликлар... Саволлар туғилмоқда:” Нима учун истеъмолчилик дунёсида жаҳон ҳамжамияти доимо сунъий яратилган нотурғунликни бошдан кечири керак, норасмий қочоқлар сони эса расмий қочоқлар сонидан бир неча маротаба кўпроқ бўлган норасмий вазият яратилган? Бундай вазиятдан ким манфаатдор?”

Қочоқларнинг яшаш жойи ва иш типиши муаммоси Масалан, Суриядаги қуролланган можародан сўнг, қўшини Ливан давлатига бўлган қочоқлар оқимидан сўнг унинг аҳолиси чоракка кўпайди. Бу турар жой ва иш билан таъминланганлар соҳаларида иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келди. Суриялик мигрантларнинг оқими маҳаллий хокимият томонидан энг қийин ишлар учун ишлатилади.

Бошқа давлатларга күчиш муаммоси Дунёning турли бурчакларида мигрантларнинг бошқа мамлакатларга норасмий тарзда денгиздан ўтиш вақтида ҳалоқ бўлиш билан боғлиқ бир хил типдаги ҳалокатли “тасодифий” тўйқнашувлар тез-тез тақрорланиб туради. Масалан, БМТ нинг қочоқлар бўйича Олий комиссарининг Бошқаруви маълум қилишича, бошқа давлатларда бошпана топишга қарор қилган қочоқлар орасида қурбонлар сонининг кўпайиши кузатилмоқда. Бундай ходисалар Ўрта денгизда Европага бошпана ва иш топиш истагида бўлган одамлар Ливиялик контрабандистларнинг ҳизматидан фойдаланганида кўп содир бўлган. Фақатгина расмий манбаларга биноан 2014 йилда 500та қочоқ сувда чўкиб кетган. Африкадан Арабистон ярим оролига Аден қўлтиғи орқали ўтиш оқибатида ҳалоқ бўлган норасмий қочоқлар сони эса бундан олдинги уч йил давомида ҳалоқ бўлган қочоқларнинг умумий сонидан ошиб кетди.

Қочоқларнинг оғир яшааш шароитлари. Кўпинча қочоқ статусини олмоқчи бўлган одамлар яшаётган лагерларда оғир яшааш шароитлари ва можароли вазиятнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ, лагерларнинг ичида ҳам, ерлик аҳоли билан ҳам, турли хил тўйқнашувлар содир бўлади. Масалан, турли давлатлардан қочиб келган ва расман қочоқ номини оллишга интилган одамлар яшаётган Австралияning лагерларида рўй берган ҳалокатли воқеалар. Австралияга яқин Тинч уммони оролларида, яшаб бўлмас шароитларда (унинг устига номақбул иқлим шароитларида ва ерлик аҳолининг ниҳоятда паст моддий аҳволи шароитларида) жаҳоннинг турли давлатларидан қелган кўп сонли қочоқлар яшаб қолишга уринмоқда. Бу одамлар Австралияга денгиз бўйлаб норасмий ўйл билан келишга интилган. Аммо сўнгги йилларда Австралия хукумати бундай қочоқларга нисбатан ички сиёсатини қаттиқлаштируди. У бундай одамларни қитъадан узоқда жойлашган ороллардаги лагерларга жўнатиб, уларнинг материкка кўчишига тўйсунлик қилмоқда. Табиийки, бундай умумий холат мазкур вазиятнинг асири бўлиб қолган ва ватанига қайтиш учун маблағлари бўлмаган одамларнинг қаршилигини келтириб чиқаради.

Тартибсизликлар ва уюштирилган тўйқнашувлар муаммоси. Ушбу муаммо қочоқлар яшаган Ер шарининг турли жойларида у ёки бу тарзда мавжуд. Масалан, 2014 йилнинг 25 августида Туркияning Стамбул шаҳрида шахсий тўйқнашувдан сўнг маҳаллий аҳоли ва суриялик қочоқлар ўртасида оммавий тўйқнашувлар ва тартибсизликлар содир бўлди. Худди шундай воқеалар аввалари Сурия билан чегарадош худудларда – Газиантеп ва Хатай вилоятларида рўй берган. Ушбу мисол қочоқлар яшашга мажбур бўлган дунёning бошқа регионларига ҳам хосдир.

Бир томондан, замонавий дунёда одам ҳуқуқлари бўйича турли ҳалқаро хужжатлар, актлар тузилган. Одам ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон декларацияси мавжуд. Қочоқларга нисбатан ҳалқаро ташкилотларнинг ва давлатларнинг айrim мажбуриятлари таърифланган БМТ нинг бошқа хужжатлари (қочоқлар статуси ҳақидаги конвенция (1951)), қочоқлар статусига тегишли ҳалқаро келишувлар, масалан, Нью-Йорк протоколи (1967) ват хоказолар мавжуд. Уларда қочоқларнинг яшаш ҳуқуқи, озодлик ҳуқуқи, шахс дахлизлиги, қонун олдида тенглик, эркин кўчиб юриш, яшаш жойини танлаш, ўқиш, ишлаш ҳуқуқлари ва шу билан боғлиқ давлатларнинг мажбуриятлари ҳақида сўз бормоқда

Бошқа томондан, қоғозда барчаси чиройли ёзилиб чиқкан, аммо аслида... Агарда барчаси ситқидилдан бажарилганида ва давлатлар томонидан ушбу инсонпарварлик принципларга фаол кўмаклашиш бўлганида эди, замонавий дунёда қочоқлар муаммоси бўндай ўткир турмас эди...

.Истемолчилик жамияти шароитларида бирор давлатнинг ёрдамига умид қилиш ўта соддалик, чунки давлат бошқарувчилари биринчи навбатда одамлар ҳақида эмас, балки ўз фойдаси ҳақида қайғуришади. Катта сонли мажбурий қўчманчиларни ўз холига ташлаш хавфли, чунки охир-оқибат барчаси тажовуз ва бир бурда нон учун ва бир қултум сув учун урушларга айланади. Бугун бу

муаммони ечиш керак. Бу муаммонинг илдизлари истемолчилик тизимининг қолипли ўрнатмаларидан ўсиб чиқаётганини тушуниш керак, ва у фрактал тарзда индивиддан бутун жамиятгача тақорланади. Гап одамларнинг ўзларида, ва биринчи навбатда, одамнинг жаҳон жамиятининг фикрлашини истемолчилик векторидан маънавий-аҳлоқий, ижобий векторга ўзгартириш керак. Жамиятда истемолчилик фикрлаш устувор бўлар экан, у ўлиши тайин...

Бугунги кун ҳақиқатини акс эттирувчи оддий мисол. Агарда ўз уйида мажбуран қочоқпарга айланган қариндошларини қабул қилган одамларнинг реакциясини кўриб чиқсан (улар хар хил давлатларда яшайди ва одамий сифатларга эга), истемолчилик жамиятининг тизимини одамларда бир бирига бўлган совуқчилик муносабатларини, можаро ва бўлиниш каби бир хил қолипларини аниқлаш мумкин.

Мазкур вазиятда бундай одамларнинг ҳаракатлари деярли стандарт ва истеъмолчилик жамияти шароитларида яшаш одатини акс эттиради. Хулқ-атвори атиги у ёки бу ҳалқларнинг одатлари билан боғлиқ арзимаган сезилмас фарқлар билан ажралиб туради. Аввал одамлар ўзининг энг яхши , эзгу ниятларидан келиб чиқиб, ҳалокатда қолған қариндошларига ўз ёрдамини таклиф қилишади. Бироқ бир ой ,кейин иккинчиси ўтади, ҳалокат худудидаги вазият барқарорлашмайди, одамларни эса озиқ-овқат, кийим-бош ва хоказолар билан таъминлаш керак. Ўзи ҳам аввалгидек ,одамий худбинлик ўргангандек эмас, балки қисилица яшashi керак.

Ойлар давомида қочоқлар янги жойда ишга ўрнаша олмаслиги – стандарт вазият. Бундай шароитларда биргалиқда яшаш жараёнида рўзғор масалаларидан бошлаб то ОАВ дан олинган умумий сиёсий норозиликлар билдиришгача ўзаро даъволар, норозиликлар билдиришлар пайдо бўлади. Ахир бундай созланиш тизим томонидан сунъий яратилади, АОВ воситасида одамларни тинч-тотув яшаш ва хар қандай ҳалокатда бир бирига ёрдам бериш ўрнига турли хил бўлинишлар, урушлар, бир бири билан хар қандай баҳонада тўқнашув (бизнес учун, ер учун, озиқ-овқат учун ва х.к) ларга дастурлайди.

...Яшаш шароитлари ўзгарганлиги, "комфорт" зоналарининг ва шахсий худудларининг бузилганлиги билан боғлиқ негатив , "дискомфорт" йиғилиши оқибатида, худбинлик қолиплари ишга тушади ва жанжаллар бошланади. Нима учун? Чунки микро-дан макро даражагача бўлган бутун тизим одамларни бўлишга дастурланган. Умуман олганда жамиятда ўзаро тушуниш ва инсонийлик йўқ. Шахсий худбинлик персонал империя моделини қуриб олади- "барчаси менинг атрофимда айланмоқда", " бу сизларнинг муаммоларинг, нега мен аъзият чекишим керак" ва хоказо..Яъни одамлар, ўзаро ҳурмат ва вазиятни тушуниш , муаммолар қисқа вақт ичida ёним топмаслигини англаш ўрнига бир бирига тажовузкорлик ва хасадгўйлик туйғуларини хис этишади . Ва бу ерда қатъий маънавий – аҳлоқий позициясиз, самимий инсонпарварлик, толерантлик, сабр ва ўзаро ёрдамсиз вазиятдан чиқиш ўта қийин бўлади.



Қариндошлиқ, оилавий ўзаро муносабатлар даражасидаги мазкур вазият фрактал тарзда давлатлар даражасида ва жаҳон жамиятининг даражасида тақорланади.

Келаётган глобал фалокатларни инобатга олган холда одамлар ўзларига ва жамиятга нисбатан хозир ва шу ерда муносабатини ўзгартиришлари керак. Ахир эртага кимга айланishiнг номаълум – қочоққами, ёки қабул қилувчи

тарафгами. Ва у ёки бу вазиятда яшаб қолиш имкониятларинг қандай бўлади.

Замонавий глобал иқлим ўзгаришлари дунёсида, хатто нисбатан яшаш учун барқарор худудларда ҳам табиатнинг янги экстремал аномалиялари хатар туғдиргани боис, хеч қайси худуд учун ишонч билдириб бўлмайди. Бошқача айтганда, ўсиб бораётган турли хатарлардан хеч ким суғурталанмаган ва хар биримиз эртага иқлим қочоғига айланишимиз мумкин.

Шу муносабат билан жамиятнинг қадриятларини истемолчилик форматидан маънавий-аҳлоқий, ижобий форматга глобал масштабда ва тезкор равишда ўзгартириш ўта муҳимдир. Одамларнинг ўртасидаги муносабатларда, уларнинг миллати, дини, ижтимоий табақаси ва бошқа, дунё жамиятнинг сунъий, шартли бўлиннишларидан қатъий назар, биринчи ўринда яхшилик, инсонийлик, виждан, ўзаро ёрдам, дўстлик, маънавий-аҳлоқий асосларнинг устуворлиги туриши керак.

Қачонки одамлар барча учун қулай бўлган хаётни яратишга интилишар экан, шу хаётда улар ўзларини ва келажагини сақлашади... Барча келтирилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Ернинг локал худудидаги ўзгаришларни ёки сайёранинг иқлим тизимини эволюциясини башорат қилиш, яқин келажак шароитларида одамларни тинчликда биргаликда яшашга тайёрлашдан кўра анча осонроқдир. Иқлимининг глобал масштабдаги ўзгаришини яқин вақт ичida ўсиб келаётганини инобатга олган холда, очик-ойдин айтишимиз мумкин – янги жаҳон тартибини ўрнатиш режалари, жаҳон элитаси қанча хоҳламасин ва интилмасин, амалга ошишга улгурмайди. Манипуляцияда ишлатган асбоблари қисқа вақт ичida иш бермай қолади. Шунга мутаносиб равища, факат қофозда одамларни бирлаштириб, янада яхши келажакни виртуал рақамларда кўрсатган уларнинг ёлғон ва алмаштирилиш тизимлари жуда тез қулайди...

Глобал фожиалар шароитларида одамлар ўз муаммолари билан юзма-юз қолишади ва хеч кимга умид қила олмайди. Бугуннинг ўзида “икс соатига” тайёрланиш керак. Мамлакат хокимиятга эга бўлган ва хавф туғилганида биринчи навбатда ўз хаётини кутқарадиган одамлардан эмас, балки одамларнинг ўзларидан иборат. Шу нарсани одамларга хозирча англаш оғир. Чунки бугун, хозир ва шу ерда, одамлар қанчалик бирлашган, ва ўз ҳаракатларида ақл ишлатадиган бўлса, улар учун эртанги куннинг келиши шунчалик боғлиқ. Яъни, барча учун мураккаб даврда ўз болалари ва набираларининг хаётини сақлай олишадими, одамзоднинг мавжудлигини узайтира олишадими...

Одамларни ягона иноқ оиласа бирлаштирувчи экстраординар чораларни кўриш зарур, аҳир ким бўлмасин, одамми, оиласми, компаниями, шахар ёки мамлакатми, бир ўзи яқин йиллар ичидаги глобал муаммоларни еча олмайди.



Айнан шу мақсадда “АЛЛАТРА” Халқаро ижтимоий ҳаракати тузилди – бугуннинг ўзида 200 та давлатдан ортиқ юз минглаб инсонларни бирлаштирган, сиёсат ва диндан ташқари бўлган умумхалқ жаҳон ҳаракати. Унинг фаолияти биргаликда амалга оширилган лойихалар, ўзаро ёрдам, ижобий ишларда уринишларни бирлаштириш орқали одамларнинг ўртасида дўстлик ва бирдамлик йўналтирилган.

Одамларни бир биридан ажратаетган нарсалардан воз кечиб, уларни бирлаштирувчи, инсоний фазилатларини оширувчи барча нарсаларни излаб топиш керак. Инсон бўлмаганларгина бундай умумий, ҳақиқатдан умумхалқ бирлашув ва халқлар ўртасидаги бирдамликка қарши туриши мумкин.

Жаҳон ҳамжамиятининг муаммоларининг илдизида маънавий-аҳлоқий инқироз ётганини чукур тушуниш умумхалқ ҳаракатининг масштабли бирлаштирувчи лойихаларидан бири – ГЛОБАЛ ШЕРИКЧИЛИК БИТИМИИни ташкил этилишига олиб келди. (<https://allatra-partner.org>) Бу умумхалқ ижтимоий ташаббус бўлиб, ижтимоий фаол, халол корхоналар ва меҳнатнинг барча соҳаларидаги ташкилотларнинг бошқарувчиларини жисплаштироқда. Улар жаҳон жамиятининг маънавий – аҳлоқий инқирозидан чиқишига йўналтирилган ушбу халқаро ижтимоий ташаббуснинг

олдинги сафларида туришибди. Ушбу инсонлар ўз хохишига кўра бугуннинг ўзида ҳамма эътироф қилган маънавий-аҳлоқий АЛЛАТРАНИНГ 7 АСОСЛАРИ ни ўзининг халол ишчанлик амалиётига киритиш ва амалга ошириш маъсулиятини ўз зиммасига олишган. АЛЛАТРАНИНГ 7 АСОСЛАРИ – бу одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларида сифат жиҳатдан янги форматини жамиятнинг меҳнат соҳасидаги фаолиятида ўрнатиш йўли билан маънавий –ижобий жамият моделининг амалга ошириш фундаментидир.

Жамиятнинг яқин келажак муаммолари ҳақидаги хабардорлик даражасини ошириш мухимdir. Барча ижтимоий фаол инсонлар тизимнинг худбинлик, ижтимоий, сиёсий, диний ва бошқа сунъий тўсиқларини инобатга олмаган холда бугуннинг ўзида жаҳон ахлиниң бирлашиши ва жипслashiшида фаол иштирок этиши керак. Фақатгина ўз кучларни қофозда эмас, амалда жаҳон хамдўстлигида бирлаштирибгина сайёрамиз аҳолисининг катта қисмини келаётган сайёравий иқлим фожеаларига, дунё иқтисодиётининг глобал ўзгаришларига тайёрлашга улгуриш мумкин . Бу йўналишда хар биримиз кўпгина фойдали нарсалар қилишимиз мумкин! Бирлашиб, одамлар ўз кучларини ўнлаб маротаба кўпайтиришади.

Бугун дунёда ақпли, Виждан амри билан яшаб келаётган , умумхалқ ташабуссларининг олди қаторида турган инсонлар талайгина. Маънавий-аҳлоқий асосларда одамларни жипслаштириб бирлаштиришга қодир бўлган иқтидорли корхоналар бошқарувчилари кўп. Бу мард инсонлар тизимнинг иллюзиялари ва кўзпаналари ортида яширинмасдан, унга имконияти ва кучи етгунча қарши туриб, ўз ишчи жамоаларини бугунги кун ҳақиқати ҳақида тўғри ахборот беришмоқда.

Барча эзгу ниятли инсонлар бугунги вазиятни ўзгартиришда фаол иштирок этишлари мумкин – жамият мафкурасини истемолчилик фикрлаш форматидан маънавий-ижобий форматга ўзгартириш, одамлар ўртасида қоғозда эмас, амалда ўзаро ёрдам, дўстлик, маънавий-аҳлоқий муносабатларни ўрнатиш.

Одамлар барча рамкалар ва шартлиларни олиб ташлаши керак, улар хозир ва шу ерда жипслashiши керак.

Табиат ўз минг йиллик ғазабини ағдарганида мансаблар ва рангларга қарамайди, ва фақагина инсонийлик фазилатларига асосланган одамларнинг ҳақиқий хамдўстлиги одамзод учун омон қолиш имкониятини бериши мумкин...

Илмий потенциални бирлаштириб, одамзод омон қолиши учун стратегик мұхим фанни – АЛЛАТРА АЗАЛИЙ ФИЗИКАСИни ўрганишни теззатиш мумкин. Ушбу фан илм-фанда кўп қиррали истиқболларни очиб, хар қандай касалликни енгиш, деярли хаводан керакли энергияни олиш, сув ва озиқ –овқатни эса – элементар зарраларнинг оддий бирикмасидан олиш имкониятини беради. Яқин истиқболда эса – хар қандай жонли ва жонсиз обьектларни яратиш (буни ушбу соҳадаги муваффақиятли тажрибалар тасдиқламоқда). Булар одамларнинг ўз хаётининг маъно-мазмунига бўлган муносабатини ўзгартиради, уни ўз маънавий-аҳлоқий ўзгариши учун иложи борича рационал тарзда ишлатиш кераклигини тушунишига олиб келади.

Булар одамларга ўз маънавий такомилланишига (хаётнинг асл маъносига) кўпроқ вақт ажратиш имкониятини беради. Булар хар бир одамни хаёт учун керакли нарсалар билан таъминлайди, хаётининг оҳиригача тизим қуллиги холатидан озод қиласиди. Хар бир инсон бу ишда ёрдам беришга ва ушбу маълумотни атрофидагиларга етказишга қодир. Бугуннинг ўзида, токи табиий фалокатлар кучайиб қайтариб бўлмас нуқтасига кирмагунча, жаҳон ахлини огоҳлантириш ва бирлаштириш жараёнларини теззатиши зарур.

Ушбу умумий бирлашиш түлкүни турли давлатлар одамларининг кенг миқёсли ижтимоий фаолияти, жаҳоннинг умумхалқ ташаббуси- АЛЛАТРА ГЛОБАЛ ШЕРИКЧИЛИК БИТИМИИ асосида кундан кунга хар томонлама кенгаймоқда..

Буларни барчасини илғор, ақлли, бир бири билан хозир бирлашиб яқин келажак воқеаларига қарши туришига ўзлари ва оиласарининг омон қолиши қанчалик боғлиқлигини англаган инсонлар хаётга тадбиқ этмоқда.

Булар турли давлатлардан, турли касб әгалари, турли миллат ва ирқлар вакиллари, турли диний эътиқодларга тегишли ва турли атеистик қараашларга эга бўлган инсонлар. Уларни барчасини маънавий–аҳлоқий ривожланиш векторига эга бўлган умумий хаётий мафкура бирлаштироқда. Улар ўз фарзандлари учун ва уларнинг ушбу жамиятдаги яқин келажаги учун, Ер юзида одам хаётини сақлаб қолиш учун шу ерда ва хозир ҳаракат қилиш зарурлигини тушунган инсонлардир.

Аҳир АЛЛАТРА нинг биринчи АСОСИда айтилганидек:” Бу дунёда энг олий қадрият –инсон хаётидир. Хар қайси одамнинг хаётини ўзинидек асраш зарур, чунки у тез ўтиб кетувчи бўлса-да, аммо хар биримизга ўз асосий қадриятимизни - ҳақиқий маънавий абадийликка йўл очиб берувчи ягона нарсани - ички маънавий бойлигимизни кўпайтириш имкониятини беради.”

ALLATRA SCIENCE

E-mail: center@allatra.org

www.allatra.org